Куч — адолатда

2015 йил
11 сентябрь,
жума
№ 36 (549)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси | http://www.oliysud.uz | 1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

Истиқлол йилларида мамлакатимизда мустақил фикрлайдиган, ҳаётга янгича қарайдиган, буюк ишларга қодир куч сифатида ёш авлодни тарбиялашга қаратилган мутлақо янги тизим яратилди. Президентимиз Ислом Каримов мустақиллигимизнинг йигирма тўрт йиллигига бағишланган тантанали маросимда таъкидлаганидек, юртимизда ҳар йили 600 мингдан кўпроқ замон талабига жавоб берадиган ёш мутахассислар — камида икки-учта касб-ҳунарни, чет тилларни, Интернет ва ахборот технологияларини, замонавий билим чўққиларини эгаллаган, ривожланган давлатлардаги тенгдошлари билан беллашувга тайёр бўлган, кўзи ёниб турган йигит-қизларимиз бугун жамиятимизнинг ҳақиқатан ҳам ҳал қилувчи кучига айланиб, ҳаётга дадил қадам ташламоқда.



Юксак салоҳиятли ёшлар — юрт таянчи

Бу, ҳеч шубҳасиз, соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, ёшларнинг ўз ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариши учун зарур шарт-шароит яратиш, навқирон авлодни ҳар томонлама комил шахслар этиб вояга етказиш борасида амалга оширилаётган улкан ишларнинг муносиб самараларидир. Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 6 февралдаги "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори бу борадаги ишларни янги босқичга кўтарди.

Бугун Президентимизнинг ана шу қарори ижроси доирасида барча вилоят, туман ва шаҳарлардаги истироҳат боғлари, маҳаллалар, мактаб-интернатлари ва Меҳрибонлик уйларида ёшларга оид давлат сиёсатининг устувор йўналишлари, соғлом турмуш асослари бўйича турли маънавий-маърифий тадбирлар, давра суҳбатлари, учрашувлар ўтказилмоқда. Ёшларимизнинг тадбиркорлик, ҳунармандлик, фан, таълим, маданият, спорт соҳаларида эришаётган ютуқларини намоён этувчи кўргазмалар ташкил этилмоқда.

Энг муҳими, навқирон авлодни жисмонан соғлом, маънан етук инсонлар этиб тарбиялаш жараёнида ёш истеъдодларни кашф этиш, уларни қўллаб-қувватлаш ва муносиб рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Юртимиз ҳудудларида "Нима қилдик Ватан учун?" ҳамда "Биз, ёшлар гиёҳвандлик ва терроризмга қаршимиз!" шиорлари остида ўтказилаётган ёшлар фестиваллари ана шундай эзгу мақсадларни ўзида яққол ифода этади.

Айниқса, "Бетакроримсан, ягонасан, она Ватаним — Ўзбекистоним!" эзгу ғояси остида "Ижодим сен учун бахшида, Ватан!", "Ҳурмат ва эъзозда" деб номланган маданий-маърифий тадбирлар, "Кеча ким эдигу бугун ким бўлдик?", "Одам савдоси ва гиёҳвандлик оқибати" мавзусида намойиш этилган видеороликлар ёшларда катта таассурот қолдирди. Бинобарин, бу каби тадбирлар ёшларнинг истеъдод ва салоҳиятларини рўёбга чиқариш имкониятларини кенгайтириб, фарзандларимизни янада фаол бўлишга, ишлаб чиқариш, ижод ва спортда янги марралар сари ундаши билан ғоятда аҳамиятлидир.

Ёш авлодни замонавий билим ва касб-ҳунарларни пухта ўзлаштирган, мустақил фикрлайдиган ва юксак салоҳиятли инсонлар этиб тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилаётгани ҳақида сўз борганда, Президентимизнинг 2012 йил 10 декабрда қабул қилинган **"Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги қарори навқирон авлоднинг хорижий тилларни ўрганишига оид амалий чора-тадбирларни сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқишда асосий омил бўлаётганини алоҳида таъкидлаш лозим.

(Давоми тўртинчи бетда)

Xabar

Тадбиркорлар ҳуқуқи ва манфаатлари кафолатланган

Президентимиз Ислом Каримовнинг ташаббуси билан Тошкент шаҳрида "2015-2019 йилларда иқтисодиётни янада ислоҳ қилиш, таркибий ўзгартириш ва диверсификациялаш дастурини ҳаётга татбиқ этишда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг роли ва масъулиятини оширишга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида" мавзуида республика конференция-семинари бўлиб ўтди

Тадбирда давлатимиз раҳбарининг шу йил 15 майдаги "Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони ижросини таъминлаш механизмлари муҳокама этилди.

Конференция-семинарда вазирлик ва идоралар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш, назорат қилувчи ва суд органлари вакиллари, барча вилоятлардан келган тадбиркорлар иштирок этди.

Анжуманда 2015-2019 йилларда иқтисодиётни янада ислоҳ қилиш, таркибий ўзгартириш ва диверсификациялаш дастурига мувофиқ амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар янги босқичининг мазмун-моҳиятини тушунтириш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг хусусий мулк ва тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилишни кучайтиришга қаратилган янги қонунчилик нормаларини амалда сўзсиз қўллашини таъминлаш борасидаги вазифалари, йўл қўйилиши мумкин бўлган ҳуқуқбузарликларнинг ўз вақтида олдини олиш бўйича тадбиркорлик субъектлари билан ишни самарали ташкил этишга доир аниқ механизмларни ишлаб чиқиш ва бошқа масалалар батафсил муҳокама қилинди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.Азимов сўзга чиқди.

Жаҳон бозорида беқарорлик ҳамон сақланиб турган бугунги шароитда Ўзбекистонда миллий иқтисодиётимизнинг барча соҳалари изчил ривожланаётгани, кенг кўламли таркибий ўзгаришлар давом этаётгани, бозор механизмлари мустаҳкамланиб, экспорт салоҳияти юксалаётгани ва хорижий инвестицияларни жалб этиш ҳажми ортиб бораётгани таъкидланди. Буларнинг барчаси ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатларида ва саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмида ўз ифодасини топмоқда. Сўнгги ўн бир йилда мамлакатимизда ялпи ички маҳсулот ўсиш кўрсаткичлари 8 фоиздан ошмоқда.

(Давоми иккинчи бетда)

Yangi qonun mohiyati

Давлат бошқарувини демократлаштиришнинг муҳим ҳуқуқий асоси

Аввало шуни айтиш керакки, жорий йил 11 августда матбуотда эълон қилинган "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун мамлакатимизда давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш борасидаги навбатдаги муҳим қадам бўлди. Мазкур қонун 12 моддадан иборат бўлиб, унда 5 та кодекс ва 6 та қонунга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш белгиланган.

Мазкур ўзгартиш ва қўшимчаларнинг бир қисми Президентимизнинг 2014 йил 25 июнда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси Конституциясига тузатишларни амалга ошириш бўйича қонун ижодкорлиги ишлари дастури тўғрисида"ги фармойиши ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган. Сўз 2014 йил 16 апрелда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси биринчи қисми 8-бандига киритилган қўшимчанинг амалга ошириш механизмлари ҳақида бормоқда. Ушбу қўшимча ижро ҳокимияти органларининг мустақиллигини ва айни дамда масъулиятини кучайтиришга хизмат қилади.

(Давоми учинчи бетда)

Конституциямизнинг 44-моддасига кўра, ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади. Истиқлол йилларида мамлакатимиз суд тизими ҳокимиятнинг мустақил тармоғи сифатида тўлақонли фаолият юритаётгани фуқароларнинг мазкур конституциявий ҳуқуқини тўлиқ рўёбга чиқаришлари учун мустаҳкам замин яратди.

Islohot va samara

Назорат тартибида иш юритиш

суд қарорларининг қонуний, асосли ва адолатли бўлишини таъминлашнинг муҳим кафолатидир

Бугунги кунда юртимиз фуқаролари нафақат судга мурожаат қилиш, балки суд қарорларидан норози бўлган тақдирда, уларнинг тегишли тартибда қайта кўриб чиқилишини талаб қилишга ҳам ҳақлидирлар.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, кейинги йилларда фуқароларнинг суд орқали ҳимояланиш кафолатлари жиддий тарзда кучайтирилди, ушбу кафолатдан фойдаланиш имкониятларини янада кенгайтиришни таъминлаш бўйича кенг кўламдаги чора-тадбирлар амалга оширилди. Бунинг натижасида, эндиликда, барча ишлар юзасидан якуний қарор суд томонидан мустақил равишда қабул қилинадиган бўлди.

(Давоми иккинчи бетда)

Saboq

Мажбурият ва масъулият

кредит шартномасини бажаришда муҳим аҳамият касб этади

Мамлакатимизда тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини кафолатли ҳимоя қилиш, улар эркин фаолият юритиши учун барча шарт-шароитларни яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўз навбатида, юртимизда тадбиркорлар сафи йилдан-йилга кенгайиб бориб, улар томонидан ишлаб чиқарилаётган рақобатбардош маҳсулотлар иқтисодимиз ривожига муносиб ҳисса бўлиб қўшилмоқда.

Айтиш керакки, юртимизда тадбиркорлик ривожида банклар томонидан имтиёзли асосларда ажратилаётган кредит маблағлари ҳам муҳим ўрин тутади. Чунки бу кредит маблағлари тадбиркорларга ўз фаолиятини янада кенгайтириш, янги иш ўринлари яратишда муҳим омил бўлмоқда.

Кредит маблағи, ундан самарали фойдаланиш тўғрисида гап кетганда, шуни айтиш керакки, кредит бу ҳадя эмас, балки имкониятдир. Яъни тадбиркорлик субъекти банк томонидан ажратилган кредитдан фойдалангач, бу маблағни тегишли фоизи билан яна банкка қайтариши шарт.

Афсуски, баъзан ҳаётда банкдан олинган кредитдан фойдаланишда масъулиятни унутиб қўядиган кишилар ҳам учраб туради.

Яқинда ана шундай қарздорлик билан боғлиқ даъво аризаси судда кўриб чиқилди.

(Давоми тўртинчи бетда)

Жисмоний тарбия ва спортга оид қонун янада такомиллаштирилди

Мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб, жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга катта эътибор қаратиб келинмоқда. Яқинда иккита янги қонун — "Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун ҳамда янги таҳрирда "Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида"ги қонун қабул қилингани бу борада навбатдаги муҳим қадам бўлди.

(Давоми учинчи бетда)

Muloqot

Савол беринг, жавоб берамиз

Яқинда фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судига даъво аризаси билан мурожаат этдим. Айтинг-чи, ушбу даъво аризаси бўйича қўзғатилган фуқаролик ишида иштирок этувчи шахслар судга қандай тартибда чақирилади?

Ситора РАҲМОНОВА,
Сурхондарё вилояти, Шеробод тумани

— Фуқаролик процессуал кодексининг 132-моддасига биноан, ишда иштирок этувчи шахслар, шунингдек, гувоҳлар, экспертлар, мутахассислар ва таржимонлар судга чақирув қоғозлари, зарур ҳолларда эса, телефонограммалар, телеграммалар ва бошқа алоқа воситалари орқали чақириладилар ҳамда суднинг айрим процессуал ҳаракатлари тўғрисида хабардор қилинадилар.

Судья, чақирув қоғози билан бир вақтда, жавобгарга аризанинг ва аризага илова қилинган ҳужжатларнинг нусхаларини ҳам юборади.

Агар жавобгар судга ёзма тушунтириш берган бўлса, судья судга мурожаат қилган шахсга чақирув қоғози билан бирга ана шу тушунтириш хатининг нусхасини ҳам юборади.

Айтинг-чи, амалдаги қонунларимизда қимор ва таваккалчиликка асосланган ўйинларни ташкил этган ва унда иштирок этган шахсларга нисбатан қандай жавобгарлик белгиланган?

Нурбобо ШЕРМАТОВ,
Жиззах вилояти, Арнасой тумани

— Айтиш керакки, амалдаги Жиноят кодексининг 278-моддасида сиз назарда тутган — қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ташкил этиш ҳамда ўтказганлик учун жиноий жавобгарлик қайд этилган.

Ушбу модда талабига кўра, қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни қонунга хилоф равишда ташкил этиш ёки ўтказиш, шу жумладан, ана шундай ўйинлар учун қиморхоналар ташкил этиш ёки уларни сақлаш — етти йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар: такроран ёки хавфли рецидивист томонидан содир этилган бўлса; уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, етти йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Шунингдек, вояга етмаган шахсни қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларга жалб қилиш, шундай ҳаракатлар маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд тўрт ойгача қамоқ билан жазоланади.

Қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ташкил этиш ёки ўтказиш учун телекоммуникация тармоқларида, шу жумладан, интернет жаҳон ахборот тармоғи провайдерлари томонидан хизматлар кўрсатиш, тегишли дастурий таъминотдан нусха кўпайтириш, уни кўпайтириш, тарқатиш, шундай ҳаракатлар маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан етмиш беш бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамоқ билан жазоланади.

Тақдир экан, фарзанд кўрмаганимиз туфайли, турмуш ўртоғим билан ажрашиш учун судга ариза бердик. Саволим шуки, никоҳимиз бекор бўлгач, мен эримнинг фамилиясида қолишим мумкинми?

Олима БЕРДИЕВА,
Тошкент вилояти, Оҳангарон тумани

— Сизнинг бу саволингизга жавобан шуни айтиш керакки, Оила кодексининг 46-моддасида никоҳдан ажратилганда эр (хотин)нинг ўз фамилиясини ўзгартириши ҳақидаги норма белгилаб қўйилган. Унга кўра, никоҳга кириш вақтида ўз фамилиясини ўзгартирган эр (хотин) никоҳдан ажратилгандан кейин ҳам шу фамилияда қолишга ҳақли ёхуд унинг хоҳишига биноан, суд томонидан никоҳдан ажратиш тўғрисидаги қарор чиқарилаётганда, унга никоҳгача бўлган фамилияси қайтарилиши мумкин.

Айтинг-чи, агар ҳуқуқбузарлик содир этган шахс ҳеч қаерда ишламаётган бўлса, ундан жарима қандай тартибда ундирилади?

Баҳодир ИМОМОВ,
Фарғона вилояти, Олтиариқ тумани

— Амалдаги Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 332-моддасига биноан, жарима ҳуқуқбузар томонидан унга жарима солиш тўғрисидаги қарор топширилган кундан бошлаб ўн беш кундан кечиктирмай, бундай қарор хусусида шикоят берилган ёки протест билдирилган тақдирда — шикоят ёки протест қаноатлантирилмаганлиги тўғрисида хабар берилган кундан бошлаб ўн беш кундан кечиктирмай тўланиши лозим.

Шунингдек, мазкур кодекснинг 333-моддасига асосан, ҳуқуқбузар жаримани ушбу муддат ичида тўламаган тақдирда, жарима солиш тўғрисидаги қарор суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган қоидаларга мувофиқ жаримани унинг иш ҳақи ёки бошқа маошидан, нафақасидан ёки стипендиясидан мажбурий тартибда ундириб олиш учун юборилади. Башарти, жарима солинган шахс ишламаётган бўлса ёхуд жаримани ҳуқуқбузарнинг иш ҳақи ёки бошқа даромадидан, пенсияси ёки стипендиясидан, бошқа сабабларга кўра, ундириб олишнинг иложи бўлмаса, уни ундириб олиш суд ижрочиси томонидан жарима солиш тўғрисида тегишли орган (мансабдор шахс) чиқарган қарор асосида ҳуқуқбузарнинг мулкидан, шунингдек, умумий мулкдаги унинг ҳиссасидан ундириб олиш йўли билан амалга оширилади.

Саволларга жиноят ишлари бўйича Чироқчи тумани судининг судьяси Шаҳзод БАХТИЁРОВ жавоб берди.

Xabar

Тадбиркорлар ҳуқуқи ва манфаатлари кафолатланган

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Президентимиз раҳнамолигида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларга кўпроқ эркинлик бериш, ривожлантириш йўлидаги ортиқча бюрократик тўсиқ ва ғовларни бартараф этишга қаратилган узоқни кўзлаб юритилаётган сиёсат бу борадаги муваффақиятларнинг муҳим омилига айланди. Бунинг учун давлат тузилмаларининг хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятига аралашувини чеклашга доир изчил чоралар кўрилмоқда, хўжалик субъектларига нисбатан қўлланиладиган санкциялар тизими тубдан қайта кўриб чиқилди, хусусий тадбиркорларнинг ресурслар ва маҳсулотларни сотиш бозорларидан кенг фойдаланиши таъминланди. Иқтисодий ислоҳотларнинг меъёрий-ҳуқуқий базасини изчил такомиллаштириш орқали тадбиркорлик ташаббусларини молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича кенг кўламли имтиёз ва преференциялар тизими яратилди ва бу, мамлакатимизда тадбиркорликни янада ривожлантиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясига мувофиқ ушбу йўналишда амалга оширилаётган ислоҳотлар янги мазмун-моҳият касб этди. Хусусий мулк ҳуқуқлари ва унинг ҳимояси мустаҳкамланди. Сўнгги йилларда Ўзбекистон Республикасининг ўн бешдан ортиқ қонуни, жумладан, янги таҳрирдаги "Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида", "Тадбиркорлик фаолияти соҳасида рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида", "Оилавий тадбиркорлик тўғрисида", "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги ва бошқа қонунлар қабул қилинди.

Тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларининг устуворлиги принципи ҳам қонуний мустаҳкамланди. Энди қонунчиликда бартараф этиб бўлмайдиган барча зиддиятлар ва ноаниқликлар тадбиркорлик субъектлари фойдасига ҳал қилинади. Бундан ташқари, сўнгги 4 йилда 167 рухсат бериш тартиб-таомили, лицензия бериладиган 19 турдаги фаолият, шунингдек, 65 турдаги статистика ва 6 турдаги солиқ ҳисоботи бекор қилинди, рухсат бериш хусусиятига эга ҳужжатларни расмийлаштириш учун йиғимлар ҳажми 2 баробар камайтирилди.

Бунинг самарасида ялпи ички маҳсулотда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши 2000 йилдаги 31 фоиз ўрнига бугунги кунда 56 фоизга етди. Айни пайтда банд бўлган аҳолининг 77 фоиздан ортиғи ушбу соҳада меҳнат қилаётир. Кенг кўламли ислоҳотлар жараёнида ўрта мулкдорлар синфи шакллантирилиб, улар миллий иқтисодиётимизнинг ривожига катта ҳисса қўшмоқда, минглаб янги иш ўринлари ташкил этишга кўмаклашмоқда.

Президентимиз Ислом Каримов мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида таъкидлаганидек, хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш йўлидаги барча тўсиқ ва чекловларни бартараф этиш истиқболдаги устувор вазифа бўлиши лозим. Бу давлат органлари ва тадбиркорлик тузилмаларининг биргаликдаги фаолиятини мувофиқлаштиришни талаб этади. Бошқача айтганда, таркибий ислоҳотларнинг янги босқичи шундай ташкил этилиши керакки, бу борада ҳукумат ва бизнес том маънода ҳамкор бўлиб, бир-бирини қўллаб-қувватлаши, ташқи омиллар сабабли юзага келадиган муаммоларни биргаликда ҳал этиши, таркибий туб ўзгаришларни амалга ошириш ва иқтисодиётимизнинг рақобатбардошлигини кучайтиришда яқин ҳамкорлик қилиши даркор.

Шу маънода Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 15 майдаги "Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Конференцияда Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори И.Абдуллаев, Давлат солиқ қўмитаси раиси Б.Парпиев ва бошқалар хусусий тадбиркорликнинг иқтисодиётимиздаги роли ва ўрнини тубдан ошириш, тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш йўлидаги тўсиқ ва чекловларга барҳам бериш, хусусий мулкнинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини изчил ошириш учун янада қулай иқтисодий, ҳуқуқий шароит ва рағбатлар яратишга қаратилган ушбу фармоннинг аҳамияти ҳақида сўз юритди.

Давлатимиз раҳбарининг мазкур фармонида тадбиркорлик фаолиятига ноқонуний аралашиш ва тўсқинлик қилиш, хусусий мулкдорлар ҳуқуқларини бузганлик учун давлат, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат қилувчи органларнинг мансабдор шахслари жавобгарлигини жиноий жавобгарликка тортиш даражасигача оширишга алоҳида эътибор қаратилгани таъкидланди.

Бундан ташқари, ҳужжатда хусусий мулкни ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш, тадбиркорлик фаолиятини тартибга соладиган маъмурий ва жиноят қонунчилигини либераллаштириш жараёнини давом эттириш, барча турдаги рўйхатдан ўтказиш, рухсат бериш ва лицензиялаш, шунингдек, ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш билан боғлиқ тартиб-таомилларни янада соддалаштириш кўзда тутилган. Фармонда тадбиркорлик субъектларининг моддий ва кредит ресурсларидан фойдаланишини кенгайтириш, бизнес муҳитини янада яхшилашга алоҳида урғу берилган.

Анжуманда ушбу барча чора-тадбирлар "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонунида ўз ифодасини топгани қайд этилди. Қонунга биноан тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг деярли барча жиҳатларига дахл қиладиган 40 дан ортиқ қонун ҳужжатига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Анжуман доирасида бўлиб ўтган секция мажлисларида Ўзбекистон Республикаси Президентининг мазкур фармони билан тасдиқланган Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар дастурининг асосий йўналишлари, шунингдек, "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонуннинг мазмун-моҳияти муҳокама қилинди.

"Хусусий мулк, тадбиркорлик субъектларининг қонуний ҳуқуқ ва кафолатларини ҳуқуқий ҳимоя қилишни таъминлашда ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат қилувчи органлар фаолиятини кучайтириш", "Хусусий мулк ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилишни кучайтиришга қаратилган қонунчилик нормаларини ҳаётга татбиқ этишда суд органларининг роли", "Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ барча рўйхатга олиш, рухсат ва лицензия бериш тартиб-таомилларини соддалаштиришда давлат органларининг вазифалари", "Тадбиркорлик субъектларининг мурожаатларини кўриб чиқиш бўйича "ишонч линияси" тизими самарадорлигини оширишда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ролини кучайтириш" мавзуларида маърузалар тингланди.

Хусусий сектор вакилларига қонунчиликка киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларга мувофиқ, агар шахс Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 184-моддасида кўзда тутилган жиноятни биринчи марта содир этиб, жиноят аниқлангандан сўнг 30 кун давомида давлатга етказилган зарарни тўлиқ қоплаб, пеня ва бошқа молиявий жарима турларини тўлаган бўлса, унга нисбатан жиноят иши қўзғатилмаслиги ва шахс жавобгарликдан озод этилишини назарда тутувчи тартиб жорий этилаётгани ҳақида маълум қилинди.

Шунингдек, Жиноят кодексига киритилган қўшимча ва ўзгартишлар моҳияти ҳам тушунтирилди. Энди хўжалик юритувчи субъектлар мансабдор шахсларига нисбатан улар томонидан сохта банкротлик ва банкротликни яшириш орқали етказилган моддий зарар тўлиқ қопланганда озодликдан маҳрум этиш шаклидаги жазо қўлланилмайди. Савдо-сотиқ қоидалари, савдо ва воситачилик фаолияти соҳасидаги ҳуқуқбузарликларнинг жиноий юрисдикциядан маъмурий юрисдикцияга ўтказилгани ҳамда катта миқдорда зарар етказилишига олиб келган ҳуқуқбузарликлар бундан мустасно эканига алоҳида эътибор қаратилди.

Муҳокама чоғида иштирокчилар хусусий тадбиркорлар манфаатларини ҳимоя қилишда суд органларининг ролини кучайтириш масаласига батафсил тўхталди. Хусусан, тадбиркорлик субъектлари солиқ ва божхона қонунчилигини бузганлиги муносабати билан уларнинг мулкини мусодара қилиш, тўловчи томонидан эътироз бўлганда, қўшимча ҳисобланган божхона тўловларини ундириш фақат суд қарори билан амалга оширилиши мумкин. Бундан ташқари, хўжалик судларига назорат қилувчи органнинг шикоят қилинаётган ҳаракати (қарори) ижросини тўхтатиб туриш ҳуқуқи берилгани, хўжалик судлари томонидан даъво аризасини кўриб чиқиш учун қабул қилиш ва ишни суд муҳокамасига тайёрлаш тўғрисидаги ажрим чиқариш муддати 10 кундан 5 кунгача қисқартирилгани таъкидланди.

Мажлислар доирасида назорат қилувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш ва улар фаолиятига доир комплекс текширувлар тайинланишидан аввал ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича профилактика ишлари самарадорлигини ошириш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Конференция-семинарда сўзга чиққан "Сам Антеп гилам" қўшма корхонаси директори К.Абдуллаев (Самарқанд вилояти), "Контекс-Тошкент" масъулияти чекланган жамияти директори Н.Сотволдиев, "Қибрай агро импекс" фермер хўжалиги раҳбари Н.Орифхўжаев (Тошкент вилояти) ва бошқалар давлатимиз раҳбарига кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик вакиллари қўллаб-қувватланаётгани ва уларга кўрсатилаётган эътибор, бизнес юритишга яратилган қулай шароит ва имкониятлар учун миннатдорлик билдирди. Улар, шунингдек, янги қонунчилик ҳужжатларининг муҳимлигини таъкидлади. Зеро, уларнинг амалиётга татбиқ этилиши ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш, маҳаллий ва хорижий сармояларни кенг жалб этиш, янги иш ўринлари яратиш имконини беради.

Тадбир давомида янги нормаларни қонуности ҳужжатларига, давлат, назорат қилувчи ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари амалиётига жорий этишни жадаллаштириш, назорат қилувчи органлар фаолиятини ўзгартириш ва профилактика ишларига алоҳида эътибор қаратиш, бизнес субъектларининг ҳуқуқий маданиятини оширишга доир вазифалар белгилаб олинди.

Шунингдек, тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарларининг ҳисоботларини тинглашни йўлга қўйиш орқали мазкур қонун нормаларининг ҳаётга татбиқ этилиши устидан парламент назорати ва мониторингини амалга ошириш мақсадга мувофиқлиги таъкидланди. Ҳар бир ҳудудда янги қонун ҳужжатларининг роли ва аҳамиятини аҳоли, биринчи навбатда, тадбиркорлик субъектларига етказиш мақсадида Бош прокуратура, Адлия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, суд ва назорат қилувчи органлар вакиллари билан учрашувлар ташкил этиш, хусусий сектор соҳасидаги муаммоли масалаларни доимий равишда ўрганиш бўйича семинарлар ўтказиш зарурлиги алоҳида қайд этилди.

Конференция-семинарда мутахассислар тадбиркорларнинг саволларига жавоб қайтарди.

Анжуман якуни бўйича ҳужжат қабул қилинди.

Мехрибон МАМЕТОВА,
ЎзА мухбири

Islohot va samara

Назорат тартибида

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Маълумки, амалдаги Фуқаролик процессуал кодексининг 18-моддасида суднинг ҳал қилув қарорлари, ажримлари, қарорлари қонуний, асосли ва адолатли бўлиши лозим, деган меъёр мустаҳкамлаб қўйилган.

Суднинг қарорига нисбатан ушбу талабларга риоя этмаслик эса, унинг юқори турувчи судлар томонидан бекор қилиниши ёки ўзгартирилишига олиб келади. Шунинг учун назорат инстанцияси судларининг асосий вазифаси — суд қарорининг қонуний, асосли ҳамда адолатли бўлишини текширишдан иборат.

Суд қарорининг қонунийлиги ва асослилиги бир-бирига узвий боғлиқдир. Назорат ҳамда апелляция ва кассация инстанциялари суд қарорларининг қонунийлиги билан бирга, уларнинг асослилигини ҳам текшириб чиқиши шарт. Чунки ноқонуний суд қарорлари, айни бир пайтнинг ўзида, асоссиз ҳам ҳисобланади.

Фуқаролик процессуал кодексининг 39-боби қонуний кучга кирган ҳал қилув қарорлари, ажримлар ва қарорларнинг қонуний, асосли ва адолатли эканини текширишга бағишланган бўлиб, унда айнан назорат тартибида ишларни кўриш тартиби белгиланган. Хусусан, ушбу кодекснинг 357-моддасига кўра, суд ишни назорат тартибида кўрганида биринчи инстанция ва апелляция ёки кассация инстанцияси судлари моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларини ишдаги мавжуд материаллар бўйича, протестда келтирилган важлар доирасида қанчалик тўғри қўллаганини текширади.

Башарти, суд қарорида бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатлари бузилган бўлса, суд протест доирасидан четга чиқиши мумкин. Назорат инстанциясида иш кўриш тартиби қуйи инстанцияларга қараганда, бироз фарқ қилиб, бунда назорат тартибида протест келтириш тўғрисидаги ариза тегишли юқори суднинг раисига ёки протест келтириш ҳуқуқига эга бўлган прокурорга берилади.

Суд қарорларини назорат тартибида бекор қилиш ёки ўзгартиришга уларнинг ноқонунийлиги етакчи асос ҳисобланади. Иккинчи томондан, суд қарорларининг ноқонунийлиги ҳақида фикр юритганда, уларнинг асоссизлигини ҳам келтириб ўтиш зарур. Чунки бу тушунчалар бир-бири билан узвий боғлиқ эканини юқорида айтиб ўтдик.

Суднинг қарорларига қўйиладиган муҳим талаб — унинг қонуний бўлишидир. Суд моддий ҳамда процессуал ҳуқуқ нормаларини қўллаш баробарида ишларни Ўзбекистон Республикасининг қонунлари асосида ҳал қилиши шарт.

Олий суд Пленумининг 1998 йил 17 апрелда қабул қилинган "Суднинг ҳал қилув қарори ҳақида"ги қарори 2 ва 3-бандларида ҳам суд қарорининг қонунийлиги ҳамда асослилиги бўйича тушунтиришлар берилган. Унга кўра, ҳал қилув қарори, шу билан бирга, қарор ва ажрим ҳам процессуал ҳуқуқ меъёрларига қатъий риоя қилинган ва шу ҳуқуқий муносабатларга татбиқ қилиниши лозим бўлган моддий ҳуқуқ меъёрларига тўлиқ риоя қилинган ҳолда чиқарилгандагина қонуний ҳисобланади.

Шунингдек, ҳал қилув қарори, шу билан бирга, қарор ва ажрим зарур ҳолларда ўхшаш муносабатларни тартибга солувчи иш муомаласи одатлари, маҳаллий одат ва анъаналарда вужудга келган қонун меъёрлари ёхуд фуқаролик қонунчилигининг умумий асослари ва маъносидан келиб чиққан ҳолда асосланиши мумкин.

Бу ўринда Фуқаролик кодексининг 5, 6-моддалари ҳамда Фуқаролик процессуал кодексининг 12-моддасида белгиланган қоидалар кўзда тутилган.

Yangi qonun mohiyati

Жисмоний тарбия ва спортга оид қонун янада такомиллаштирилди

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Ҳақиқатан ҳам, юртимизда жисмоний тарбия ва спортга аҳоли кенг қатламларини, айниқса, ёшлар ва хотин-қизларни жалб қилиш давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири этиб белгиланган. Ўтган йилларда айни шу мақсадда жисмоний тарбия ва спортни бошқариш ҳамда давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмлари ишлаб чиқилди.

Айниқса, Президентимизнинг ташаббуси билан 2002 йилда Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ташкил этилгани ёшлар ўртасида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш ва оммалаштиришда ғоятда муҳим қадам бўлди. Шу билан бирга, замонавий спорт инфратузилмаси яратилиб, жойларда халқаро андозаларга жавоб берадиган кўплаб спорт иншоотлари бунёд этилмоқда. Масалан, 2003-2014 йилларда 1701 та болалар спорт объекти барпо этилгани бу фикримизни яққол исботлаб турибди.

Тадқиқотлар ҳамда ҳар йили мактаб ёшидаги болалар ўртасида ўтказиладиган тиббий кўрик натижалари шуни кўрсатмоқдаки, 2014 йилда 2003 йилга нисбатан спорт билан шуғулланувчи 14 ёшдаги ўғил болаларнинг бўйи ўртача — 3,2 сантиметрга, вазни ўртача — 4,0 килограммга ошган, қиз болаларнинг бўйи эса ўртача — 3,1 сантиметрга, вазни ўртача — 4,1 килограммга ошган. Бу рақамлар ҳам ушбу соҳадаги амалий ишлар самарадорлигининг ўзига хос тасдиғидир.

Жаҳон спорти соҳасида юқори натижаларни қўлга киритиш мақсадида 2009 йилдан бошлаб Ўзбекистон спортчиларини Олимпия ўйинларига тайёрлаш бўйича махсус Дастурлар қабул қилина бошланди. Бўлажак Олимпия ва Паралимпия ўйинларига тайёргарлик самарадорлигини ошириш бўйича доимий фаолият юритувчи республика комиссияси ташкил этилди.

Мазкур дастурлар туфайли спортчиларни саралаш, тайёрлаш, сифатли олимпия захирасини шакллантириш, олимпия спорт турлари бўйича республика спорт федерацияларига спорт базаларини бириктириш, спорт базалари, марказлари ва ўқув муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ишлари изчил амалга оширилмоқда. Шунингдек, терма жамоаларнинг тайёргарлиги жараёнида замонавий илмий-методик технологияларни жорий этиш ва тиббий-биологик таъминлаш масалалари самарали ҳал қилинмоқда.

Бугунги кунгача мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги муносабатлар 1992 йилда қабул қилинган, 2000 йил 26 майда янги таҳрирда тасдиқланган "Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида"ги қонун ҳамда юзга яқин қонуности ҳужжатлар билан тартибга солинаётган эди. Ана шу қонуности ҳужжатлар инвентаризация қилинганда, уларда қонун даражасида мустаҳкамланиши лозим бўлган бир қатор нормалар мавжудлиги аниқланди.

Шунингдек, амалдаги қонунда асосий тушунчалар, жисмоний тарбия ва спорт соҳаси фаолиятини ташкил этишни индивидуал ва дифференциал тартибга солиш, миллий спорт турлари ва ўйинлари, аҳолини жисмоний тарбия ва спортга оммавий жалб қилиш, жисмоний тарбия ва спортни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини қонуний мустаҳкамлаш масалалари етарлича тартибга солинмаган эди.

Бундан ташқари жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги муносабатларнинг таҳлили амалдаги қонуннинг айрим нормалари амалиётда етарлича самара бермаётганини кўрсатди. Қолаверса, кейинги йилларда юртимизда жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантириш мақсадида қабул қилинган бир қатор янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар амалдаги қонунни такомиллаштиришни тақозо этди.

Шу боис Вазирлар Маҳкамаси томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқуқи асосида киритилган **"Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"**ги қонун ҳамда янги таҳрирдаги **"Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида"**ги қонун қабул қилиниб, 2015 йил 5 сентябрда матбуотда эълон қилинди.

"Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида"ги қонунни янги таҳрирда қабул қилишдан кўзланган мақсад, авваламбор, аҳолининг кенг қатламлари, айниқса, ёшларни ва аёлларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб қилиш, жисмоний тарбия ва спортни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг замонавий механизмларини яратишдир. Шунингдек, жисмоний тарбия ва спорт соҳасида мутахассислар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, замонавий ва самарали спорт инфратузилмасини шакллантириш, юқори тоифали спортчилар ва спорт захирасини тайёрлаш, терма жамоаларни шакллантириш учун зарур шароитлар яратишга доир талабларни жорий этишга, энг муҳими, миллий спорт турлари ва халқ ўйинларини ривожлантиришга қаратилган нормаларни белгилашдан иборат.

Шу маънода, янги таҳрирда қабул қилинган **"Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида"**ги қонунда бир қатор муҳим ижтимоий муносабатлар тартибга солинди. Жумладан, жисмоний тарбия ва спортга оид 30 га яқин асосий тушунча, хусусан, "спорт", "оммавий спорт", "профессионал спорт", "ҳаваскорлик спорти", "спортчи", "мураббий", "спорт ҳаками", "спорт бўйича агент", "жисмоний тарбия", "жисмоний реабилитация" каби атамаларга таъриф берилди. Натижада ушбу тушунчаларни амалиётда бир хилда қўллаш ва тушуниш имконияти яратилди.

Энг муҳими, спортчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари аниқ белгилаб қўйилди. Спортда допингнинг олдини олиш ва унга қарши курашишга оид модда кўзда тутилди.

Шунингдек, жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналалишлари, жумладан, жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, Ўзбекистоннинг миллий спорт турлари ва халқ ўйинларини ривожлантириш ҳамда оммавийлаштириш учун шарт-шароитлар яратиш, ногиронлар ва жисмоний имконияти чекланган бошқа шахсларга оид спорт турлари, яъни паралимпия, сурдалимпия, махсус олимпиада ва бошқаларни давлат томонидан ривожланишига шароит яратиш алоҳида йўналиш сифатида белгиланди.

Бундан ташқари жисмоний тарбия ва спортни оммавийлаштириш мақсадида таълим соҳасида, фуқароларнинг иш жойи, яшаш жойи ва дам олиш жойларида жисмоний тарбия ва спортга оид муносабатларни янги талаблар асосида тартибга солувчи боб киритилди.

Жисмоний тарбия ва спорт субъектлари, жисмоний тарбия-спорт ташкилотлари белгиланди. Вазирлар Маҳкамасининг, Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги ваколатлари, ўтган даврда ушбу йўналишда тўпланган тажрибага асосланган ҳолда, янада кенгайтирилди.

Бунда спортни оммавийлаштиришга, жисмоний тарбия ва спорт тадбирларини тиббий таъминлашга, жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги субъектлар ишини мувофиқлаштиришга, жисмоний тарбия ва спорт бўйича илмий, ўқув, илмий-оммабоп ва оммавий адабиётларни ишлаб чиқиш ва нашр этишни ташкил қилишга оид янги ваколатларни белгилашга алоҳида эътибор берилди. Таълим муассасаларида узлуксиз жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш мақсадида Олий ва ўрта-махсус таълим вазирлиги ҳамда Халқ таълими вазирлигининг жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги ваколатлари алоҳида моддаларда белгиланди.

Жисмоний тарбия ва спорт соҳаси мутахассисларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга нисбатан янги талаблар қўйилди. Уларга қайси турдаги спорт унвонлари, спорт разрядлари ва малака тоифалари бериш мумкинлиги, энг муҳими, спортчилар ҳақидаги маълумотлар, уларнинг эришган ютуқларини ўзида акс эттирувчи спорт паспортининг мазмуни баён этилди.

Шунингдек, спорт захирасини тайёрлаш босқичлари белгиланди. Юқори малакали спортчиларни ва спорт захирасини тайёрлаш, спортчилар тайёргарлигини амалга оширувчи жисмоний тарбия-спорт ташкилотлари ва таълим муассасалари кўрсатилди. Турли спорт турлари бўйича спортчиларни тайёрлаш ўқув дастурларига замонавий талабларни қўйиш орқали спорт захирасини тайёрлашга доир асосий қоидалар мустаҳкамланди.

Бундан ташқари давлат ва нодавлат ташкилотларининг жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги ижтимоий ҳамкорлигига оид нормалар, жумладан, спорт федерациялари (уюшмалари) тушунчаси, уларнинг алоҳида тартибдаги реестрини юритиш, Ўзбекистон Миллий Олимпия қўмитасининг ваколатлари белгиланди.

Жисмоний тарбия ва спортни моддий, тиббий, молиявий ва бошқа таъминотига оид қоидалар белгиланди. Жумладан, қонунга мувофиқ, жисмоний тарбия ва спорт тадбирлари ташкилотчилари уларнинг қатнашчиларини тиббий ёрдам билан таъминлашни амалга оширишлари шартлиги, шунингдек, спорт анжомлари, жиҳозлари ва спорт кийими халқаро ва (ёки) давлат стандартларига, меъёрларига ва талабларига мувофиқ бўлиши керак.

Бугунги кунда юртимизда кураш, белбоғли кураш, турон яккакураши, ўзбек жанг санъати каби тўрт турдаги миллий спорт тури ҳамда қирқ иккита миллий ва халқ ўйинлари мавжудлигидан, шунингдек, кейинги йилларда миллий спорт турлари ва халқ ўйинларини ривожлантиришга, уларнинг халқаро даражадаги спорт тури мақомини олишига қаратилган чора-тадбирлардан келиб чиқиб, қонунда Ўзбекистон миллий спорт турлари ва халқ ўйинларининг мазмуни очиб берилди.

Янги таҳрирдаги "Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида"ги қонунни маромига етказиб тайёрлаш ва қабул қилишда барча сиёсий партияларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциялари ва депутатлик гуруҳи қонун лойиҳасини такомиллаштириш юзасидан олиб борган фаолияти муҳим аҳамият касб этди. Бунда қонун лойиҳасини ишчи гуруҳларида муҳокама қилишда иштирок этган депутатлар ва мутахассисларнинг таклифлари, шунингдек, Қонунчилик палатаси томонидан қонун лойиҳасини тайёрлаш доирасида ўтказилган назорат-таҳлил фаолияти натижаларидан унумли фойдаланилди. Шунингдек, тегишли давра суҳбатлари, семинар ва конференциялар тавсияларига таянилди.

Бундан ташқари қонунни қабул қилиш жараёнида Хитой, Жанубий Корея, Италия, Франция, Германия каби хорижий мамлакатларнинг спорт соҳасидаги амалдаги қонунчилиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси ратификация қилган ва қўшилган халқаро ҳужжатлар ўрганилди. Пировардида, бу ҳужжатларнинг тегишли нормалари янги таҳрирдаги қонунда ўз ифодасини топди.

Хулоса қилиб айтганда, мазкур қонуннинг қабул қилиниши мамлакатимизда оммавий спортнинг янада ривожлантиришга ҳамда профессионал спорт билан шуғулланувчиларга кенг имкониятлар яратишга хизмат қилади. Буларнинг барчаси, ўз навбатида, аҳоли орасида мутлоқ соғлом шахслар сафи изчил кўпайишига, кексаларимиз умри давомийлиги янада узайишига, энг муҳими, юртимиз байроғини жаҳон ареналарида юксалтирадиган спортчиларимиз сони тубдан ошишига қаратилгандир.

Нодир МУХТОРОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати

Yangi qonun mohiyati

Давлат бошқарувини демократлаштиришнинг муҳим ҳуқуқий асоси

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Мазкур янги қонунга мувофиқ, "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида"ги қонуннинг 6-моддаси иккита қисм билан тўлдирилди. Унга кўра, Вазирлар Маҳкамаси вазирликлар, давлат қўмиталари ва давлат бошқарувининг бошқа органларини тузиш ҳамда тугатиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентига тақдимномалар киритади. Шунингдек, қонун билан вазирликлар, давлат қўмиталари ва давлат бошқарувининг бошқа органларини тузиш ҳамда тугатиш тўғрисидаги тақдимномаларни тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Президентига киритиш тартиби Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланиши мустаҳкамланди.

Бу норма давлат ҳокимиятининг субъектлари бўлмиш давлат бошлиғи бўлган Президент ва ижро этувчи ҳокимиятлар ўртасидаги ваколатларнинг янада мутаносиб тақсимланишини таъминлашга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Конституциямизнинг 89-моддасида белгиланган давлат ҳокимияти органларининг келишилган ҳолда фаолият юритишини ҳамда ҳамкорлигини таъминлаш функциясини амалга оширишига хизмат қилади.

Шунингдек, мазкур ўзгартиш ва қўшимча "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида"ги қонуннинг 5-моддаси билан ҳамоҳанг. Яъни у қонун ҳужжатларидаги ҳуқуқий нормаларнинг ўзаро боғланиши, комплекслилиги ва уйғунлигини таъминлайди.

Мазкур қўшимча киритилишининг яна бир сабаби, бу Бош вазир номзодини таклиф этиш субъекти ўзгаргани билан ҳам боғлиқдир. Маълумки, Конституциямизнинг 98-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзоди Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасига сайловда энг кўп депутатлик ўринларини олган сиёсий партия ёки тенг миқдордаги энг кўп депутатлик ўринларини қўлга киритган бир неча сиёсий партия томонидан таклиф этилади. Бундан ташқари Бош вазир лавозимига номзод Олий Мажлисда унинг номзоди кўриб чиқилаётганда ва тасдиқланаётганда Вазирлар Маҳкамасининг яқин муддатга ва узоқ истиқболга мўлжалланган ҳаракат дастурини тақдим этиши мустаҳкамлаб қўйилди.

Ўз-ўзидан маълумки, давлат функцияларини амалга ошириш, самарали давлат сиёсати юритилишини таъминлаш тегишли давлат бошқаруви органларини тузишни ёки мавжудларини шароитга қараб ислоҳ қилишни тақозо этади. Шу маънода Қонунчилик палатасига сайловда энг кўп депутатлик ўринларини олган сиёсий партиядан таклиф этилган Бош вазир албатта, ўзининг номзодини таклиф этган сиёсий партия сайловолди дастурини ҳам ҳисобга олиб, Вазирлар Маҳкамасининг яқин муддатга ва узоқ истиқболга мўлжалланган ҳаракат дастурини тақдим этади.

Ушбу ҳаракат дастурини амалга ошириш ва умуман ижро этувчи ҳокимиятга юклатилган вазифаларни самарали юритиш учун Ҳукумат давлат бошқаруви органларини ислоҳ қилиш бўйича тегишли чора-тадбирларни режалаштиради.

Агар ривожланган хорижий давлатлар тажрибасини кузатадиган бўлсак, кўпинча парламентга сайловларда ютиб чиққан партия вакили бўлган Бош вазир ҳар сайловдан кейин сайловолди платформасидан келиб чиқиб ҳукуматнинг янги тузилмасини таклиф этиши ҳамда янги давлат бошқаруви органларини тузиш ёки мавжудларини ислоҳ қилиш бўйича тақдимномалар киритиш амалиётига гувоҳ бўламиз.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, миллий қонунчилигимизга киритилган қўшимчалар "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида"ги қонуннинг 14-моддаси билан ҳам мазмунан боғлиқдир. Яъни мазкур моддага кўра, бошқарув тузилмасини такомиллаштириш масалалари фақат Вазирлар Маҳкамасининг мажлисларида кўриб чиқиладиган предметлар сирасига киради.

Давлатимиз раҳбари қайд этганидек, биз олдимизга қўйган мақсадни соддагина ифодаламоқчи бўлсак — ҳар қандай ҳокимият, у қонунчилик ёки ижро ва суд ҳокимияти бўладими — буларнинг барчаси қуйидаги талабларга жавоб бериши шарт. Яъни, ҳар қайсиси ўз вазифасини англаши, ўз масъулиятини ҳис қилиши, ўз юкини кўтариши ва таъбир жоиз бўлса, ўз аравасини мустақил равишда тортиши даркор.

Шундай қилиб, миллий қонунчилигимизга киритилган қўшимчалар эртанги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда тобора ошиб бораётган ҳаёт талабларига ўз вақтида жавоб бериш, кечаётган шиддатли давр билан ҳамқадам бўлиш, фуқароларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича таъсирчан чора-тадбирларни амалга ошириш, мамлакат ҳукуматининг ролини, шу билан бирга, масъулиятини янада кучайтиришга қаратилгандир.

Миравзал МИРАКУЛОВ,
юридик фанлар номзоди

иш юритиш

суд қарорларининг қонуний, асосли ва адолатли бўлишини таъминлашнинг муҳим кафолатидир

Айни чоғда, ҳал қилув қарорида (ажрим ва қарорда ҳам) иш учун ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлган барча ҳолатлар баён этилган, тегишли далиллар келтирилган ва иш бўйича аниқланган ҳолатлар барча тарафларнинг ҳуқуқ ва бурчлари бўйича тўғри хулосага келинган тақдирдагина, у асосли ҳисобланиши белгиланган.

Суд қарорларини бекор қилиш талабларидан яна бири бу унинг нечоғлик адолатли бўлишидир. Ушбу талаб асосида суд қарорининг бекор бўлиши процессуал қонунчиликда, хусусан, Фуқаролик процессуал кодексининг 18-моддасида белгиланган бўлса-да, бирорта норматив-ҳуқуқий ҳужжатда суд қарорининг адолатли бўлиши деганда, айнан қандай мезон англашилиши кўрсатиб ўтилмаган.

Фикримизча, суд қарорининг адолатли бўлиши деганда, аввало, у ҳеч кимни камситмайдиган, ҳамма мезонларга тўлиқ жавоб берадиган шаклда қабул қилиниши зарурлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Бу, айниқса, маънавий зарарни ундириш, моддий зиён ёки бошқа мол-мулкни ундиришга оид фуқаролик ишлари бўйича даъво талабларини қаноатлантиришда тарафларнинг, хусусан, жавобгарнинг иқтисодий имкониятларига ва бошқа иш ҳолатларига мувофиқ бўлиши каби ҳолатларда кўпроқ намоён бўлиши эътиборга молик.

Фуқаролик процессуал ҳуқуқида кассация тартибида иш юритиш билан ишларни назорат тартибида кўришда суд қарорларини бекор қилиш асослари бир хил эканига ҳам эътибор қаратмоқчимиз. Апелляция инстанцияси суди ишни тўлиқ ҳажмда текшириб чиқади. Кассация инстанцияси суди эса, фақатгина биринчи инстанция судининг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарорлари ҳамда ажримларининг қонунийлиги, асослилиги ҳамда адолатлилигини текширади.

Хулоса ўрнида шуни қайд этиш жоизки, мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида изчиллик билан амалга оширилаётган туб ислоҳотларнинг самараси ўлароқ, фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти тобора юксалиб бормоқда. Шу боис судларда назорат тартибида иш юритишда назорат тартибида протест келтириш ҳақидаги аризаларни бериш муддатларини қисқартириш фурсати ҳам етиб келди, деб ҳисоблаймиз.

Хусусан, ушбу муддат суднинг ҳал қилув қарори қонуний кучга киргандан сўнг уч йил эмас, балки бир йил қилиб белгиланса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бу, ўз навбатида, фуқаролар, ташкилот, корхона ва муассасаларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини самарали ҳимоя қилишни янада кафолатлайди. Қолаверса, бундай чора суд ишлари кўрилишининг асоссиз чўзилишига йўл қўймайди.

Шуҳрат АББОСОВ,
фуқаролик ишлари бўйича Навоий вилоят суди раиси ўринбосари

Jinoyat va jazo

Одоб — инсон зийнати

безорилик эса, нафақат иллат, балки жиноятдир

Маълумки, жамоат жойларида халқимиз азалдан қадрлаб келган одоб-ахлоқ меъёрларига қатъий риоя қилиш, аввало, ҳар бир кишининг инсоний фазилати саналади. Шунингдек, одамлар билан ўзаро муносабатда ширинсўз бўлиш, ҳар қандай вазиятда босиқлик, вазминлик, мулоҳаза билан иш тутиш, кўнгил рафторига, кишилар қулфи-дилига йўл топа олиш энг юксак инсоний фазилатлар сирасига киради.

(Давоми тўртинчи бетда)

Etirof

Юксак салоҳиятли ёшлар – юрт таянчи

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Ушбу қарорга кўра, 2013-2014 ўқув йилидан бошлаб барча умумтаълим мактабларининг 1-синф ўқувчилари учун чет тилларини мукаммал ўқитиш бошланди. Шу мақсадда янги давлат таълим стандартлари, ўқув қўлланмалар, дарслик мажмуалари яратилди.



Маълумотлар шуни тасдиқлайдики, кейинги 3 йилда 5 миллиондан ортиқ нусхада дарсликлар чоп этилди. 17 минг 222 нусха чет тили кабинети учун қўшимча адабиётлар, луғатлар давлат бюджети ҳисобидан етказиб берилди. Хорижий тилларни ўргатишга оид ранг-баранг электрон ахборот-таълим ресурслари, видеодарслар, видеоқўлланмалар, интерфаол ўйинлар каби 50 дан ортиқ маърифий ресурс яратилди.

Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича ҳам бир қатор ишлар амалга оширилди. Ўтган даврда 18 минг нафарга яқин чет тили ўқитувчисининг касб малакаси оширилди. Мактабгача таълим масканлари ва мактабдан ташқари ўқув муассасаларида ҳам чет тилларини ўрганиш бўйича тўгараклар, машғулотлар мунтазам тарзда ташкил этилмоқда.

Шу билан бирга, "Таълим тўғрисида"ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида умумтаълим мактабларининг 9-синфини тамомлаган ўқувчиларни академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларига тўла қамраб олиш ва уларнинг таълим-тарбия олиши, жамиятга нафи тегадиган мутахассислар бўлишига яқиндан ёрдам бериш юзасидан изчил чора-тадбирлар олиб борилмоқда.

Жорий йилда пойтахтимиздаги умумтаълим мактабларининг 9-синфини 35 минг нафарга яқин ўғил-қиз тамомлади. Ўтган ўқув йили давомида ўқувчиларни таълимнинг кейинги босқичига жалб этиш учун барча мактабларда ўғил-қизлар, уларнинг ота-оналари иштирокида сўровномалар, учрашувлар ўтказилди. "Касблар фестивали", "Касблар ойлиги" каби тадбирлар ёшларнинг ўзлари қизиққан соҳани танлашига яқиндан ёрдам берди.

Натижада 9-синф ўқувчиларининг 27 минг нафардан зиёди касб-ҳунар коллежларига, 7 минг нафарга яқини академик лицейларга қамраб олинди.

Истиқлол йилларида навқирон авлоднинг орзу-мақсадларини рўёбга чиқариш, етук мутахассис бўлишига кўмаклашиш, бандлигини таъминлаш борасидаги изчил ислоҳотлар йигит-қизларимизни ватанпарварлик, миллий истиқлол ғояларига садоқат руҳида камол топтиришга хизмат қилмоқда. Энг асосийси, ёшларимиз истиқболи йўлида яратиб берилган чексиз имкониятлар фарзандларимизни дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаган ва кам бўлмайдиган инсонлар этиб вояга етказишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бундай эътибор натижасида Ўзбекистон ёшлари халқаро миқёсда ўтказилаётган нуфузли танловлар, фестиваллар, фан олимпиадаларида муносиб иштирок этмоқда. Жорий йилнинг 27-31 июль кунлари Хитой Халқ Республикасининг Чанчунь шаҳрида математика фанидан бўлиб ўтган халқаро мусобақада Ўзбекистон жамоаси муваффақият қозонгани бунинг далилидир.

Мазкур интеллектуал беллашувда ўттизга яқин давлатдан олти юздан ортиқ ўқувчи қатнашди. Ушбу мусобақага мамлакатимиз ёшлари ҳам қизғин тайёргарлик кўрди. Халқ таълими вазирлиги томонидан "Билимлар беллашуви"нинг туман (шаҳар) ва вилоят босқичларида фаол қатнашган 6-8-синфларнинг 300 нафар ўқувчисидан иборат махсус жамоа шакллантирилди. Улар орасидан танлов асосида саралаб олинган тўрт нафар ўқувчига алгебра, геометрия, эҳтимоллар назарияси элементлари, математик мантиқ бўйича масалалар ишлашнинг илғор услублари ўргатилди.

Натижада Хитойда бўлиб ўтган халқаро мусобақада Самарқанд вилояти, Каттақўрғон шаҳридаги 17-ихтисослаштирилган мактабнинг 8-синф ўқувчиси Жаҳонгир Тўраев, Бухоро вилояти, Қоракўл туманидаги 1-ихтисослаштирилган мактаб-интернатнинг 8-синф ўқувчиси Аббос Сайлиев якка тартибдаги беллашувда кумуш медалга лойиқ топилди. Қарши шаҳридаги 2-ихтисослаштирилган умумтаълим мактаб-интернатининг 7-синф ўқувчиси Сайдали Муродиллаев, пойтахтимиздаги 50-ихтисослаштирилган умумтаълим мактабининг 7-синф ўқувчиси Роберт Честнов фахрий ёрлиқ билан тақдирланди. Турнирда умумжамоа ҳисобида Ўзбекистон терма жамоаси иккинчи ўринни эгаллаб, мусобақа кубогини қўлга киритди.

Бугунги кунда ёшларимизнинг бу каби кўплаб нуфузли халқаро мусобақаларда Ватанимиз шон-шуҳратини баралла намойиш этаётгани улар озод ва обод юртда, истиқлолнинг чексиз имкониятларидан баҳраманд бўлиб вояга етаётганининг яққол тасдиғидир. Бундан ҳам фарзандларимизнинг ўзи, ҳам ота-оналар ва устоз-мураббийлар бирдек фахр ва ифтихор этмоқдалар.

Мухтасар айтганда, мамлакатимизда ёш авлод учун яратилган улкан шароитлар ёшларимизнинг орзуларига қанот бағишлаб, янги-янги марралар сари руҳлантирмоқда. Ўз навбатида, юксак салоҳиятли Ўзбекистон ёшлари эл-юртимизнинг ишончли таянчи эканини, қолаверса, дунё миқёсида ҳеч кимдан кам эмаслиги ва ҳеч қачон кам бўлмаслигини амалда исботламоқда.

Бобомурод РАЙИМОВ,
«Куч — адолатда» мухбири

Saboq

Мажбурият ва масъулият

кредит шартномасини бажаришда муҳим аҳамият касб этади

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Гап шундаки, Ғузор туманидаги "Бобур Бек Барака" масъулияти чекланган жамиятига парандачиликни ривожлантириш мақсадида, "Микрокредитбанк"нинг Қарши шаҳри филиали томонидан 2014 йил 23 апрелдаги кредит шартномасига асосан, 2 йил муддатга 10 фоиз миқдорида устама тўлаш шарти билан 47 миллион сўм кредит маблағи ажратилган эди.

Масъулияти чекланган жамияти томонидан кредитни қайтариш кафолати сифатида Жасур Холмуродов ҳисобидаги савдо дўкони ҳамда Гўзал Қаландаровага тегишли бўлган "Спарк" русумли автомашина гаровга қўйилади. Шунингдек, асосий кредит ва устама фоизларини ўз вақтида тўлаб бориш мажбурияти масъулияти чекланган жамияти бошқаруви зиммасига юклатилади.

Юқорида қайд этилганлардан ҳам кўринадики, банк томонидан масъулияти чекланган жамиятига кредит маблағи қонуний тартибда ажратилади. Энди ҳамма гап масъулияти чекланган жамият мутасаддиларининг ушбу маблағдан оқилона фойдаланиши, зиммаларида мажбуриятни ўз вақтида тўлиқ бажаришида эди.

Бироқ "Бобур Бек Барака" масъулияти чекланган жамияти мутасаддилари масъулиятни унутиб қўйишади. Ўз навбатида, банк раҳбарияти уларни кредит маблағи ҳисобидаги асосий қарз ҳамда унинг фоизларини тўлашни талаб қилиб, бир неча марта оғзаки ва ёзма равишда огоҳлантиради. Аммо масъулияти чекланган жамият бошқаруви раҳбарияти ҳамда қўшимча жавобгарлар турли баҳоналарни рўкач қилиб, катта миқдордаги қарзни тўлашни узоқ вақт пайсалга солиб келишди.

Шундан сўнг "Микрокредитбанк"нинг Қарши шаҳри филиали ушбу низоли ишга ҳуқуқий баҳо беришни сўраб, даъво аризаси билан судга мурожаат этди.

Маълумки, амалдаги Фуқаролик кодексининг 279-моддасида гаровга олувчининг (кредиторнинг) талабларини қондириш учун ундирувчи қарздор гаров билан таъминланган мажбуриятни ўзи жавобгар бўлган вазиятларда бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда гаровга қўйилган мол-мулкка қаратиш мумкинлиги белгиланган.

Суд қонуннинг ушбу талабидан келиб чиқиб, даъвогар "Микрокредитбанк" Қарши шаҳри филиали талабларини қаноатлантирган ҳолда, жавобгар "Бобур Бек Барака" масъулияти чекланган жамияти ҳамда қўшимча жавобгарларга нисбатан кредит шартномасини муддатидан олдин бекор қилиш билан бирга кредит фоизидан 1 миллион 459 минг сўм, асосий кредитдан 47 миллион сўм, шунингдек, 9 миллион 691 минг 800 сўм давлат божини ундиришни лозим топди. Шунингдек, суд қарздорликни ундиришни жавобгар томонидан гаровга қўйилиб, тарафлар томонидан 65 миллион сўмга баҳоланган, қўшимча жавобгарлар Гўзал Қаландаровага тегишли бўлган "Спарк" русумли автомашина ҳамда Жасур Холмуродов ҳисобидаги савдо дўконига қаратилиши хусусида ҳал қилув қарори қабул қилди.

Хулоса қилиб айтганда, кредит шартномаси шартларига тўлиқ риоя қилиш кредит олувчини зарур сармоя билан таъминлаш, бунинг эвазига кредит берувчига муайян миқдорда фойда олиш имконини берибгина қолмай, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш ва унинг кўламини янада кенгайтириш, пировардида мамлакатимиз иқтисодий негизини янада мустаҳкамлашга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Шавкат ҲАМДАМОВ,
фуқаролик ишлари бўйича Ғузор туманлараро судининг раиси
Абдунаби БОБОЁРОВ,
"Куч — адолатда" мухбири

Jinoyat va jazo

Одоб – инсон зийнати

безорилик эса, нафақат иллат, балки жиноятдир

(Давоми. Бошланиши учинчи бетда)

Безорилик эса, жамоат тартибига қарши қаратилган жиноятдир. У, асосан, шахсни уриш, дўппослаш, унга жароҳат етказиш ёки ўзганинг мулкига шикаст етказиш каби ҳаракатларда намоён бўлади. Амалдаги Жиноят кодексининг 277-моддасида безорилик жинояти ва унинг ижтимоий даражаси, жиноятни содир этган шахсларга нисбатан жазо тайинлаш тартиби кўрсатилган. Жумладан, мазкур моддада баданга ўртача оғир шикаст етказиш, бир гуруҳ шахслар томонидан ёки якка, совуқ қурол ёки шахснинг соғлигига шикаст етказиши мумкин бўлган бошқа ҳаракатларни намойиш қилиш, ўтакетган беҳаёлик, ёш болани, қарияни, ногирон ёки ожиз аҳволдаги бошқа шахсларни хўрлаш, шунингдек, муайян миқдорда шахсга зарар етказиш, бировнинг мулкини нобуд қилиш ёки унга шикаст етказганлик учун жавобгарлик каби жиноят турлари ҳам белгилаб қўйилган.

Айтиш жоизки, айбдор безорилик ҳаракатлари давомида жамоат тартибини сақлаш вазифасини бажариб турган вакилга ёхуд безорилик ҳаракатларининг олдини олиш чорасини кўрган бошқа фуқароларга қаршилик кўрсатса, яъни уларга нисбатан ўртача оғир шикаст етказиш даражасида зўрлик ишлатса, Жиноят кодексининг 277-моддаси 3-қисми "г" бандига асосан жавобгарликка тортилади ва Жиноят кодексининг бошқа моддалари билан квалификация қилинмайди.

Шу ўринда фикримизни ҳаётий мисоллар ёрдамида давом эттирсак, С.Рўзматов жорий йилнинг 26 май куни тунда маст ҳолатда ака-ука Шуҳрат ва Шавкат Омоновларнинг уйи олдига келиб, бақириб, уларнинг тинчини бузади.

Ака-укалар шовқинни эшитиб, кўчага чиқишади ва уни тинчлантиришга уринишади. Бироқ С.Рўзматов уларнинг гапига қулоқ солмайди.

Шуҳрат ва Шавкат унга гап кор қилмаслигини билиб, уйларига кириб кетаётганда С.Рўзматов ерда ётган таёқни олиб, ака-укани уришга тушади.

Ўтказилган суд-тиббий экспертизасининг хулосасига кўра, Шуҳрат енгил, Шавкат эса, ўртача оғир тан жароҳати олганлиги аниқланади.

Шунга кўра, С.Рўзматов Жиноят кодексининг 277-моддаси 3-қисми "г" бандида назарда тутилган безорилик жиноятини содир этганликда айбдор деб топилди ва унга нисбатан тегишли жазо тайинланди.

Безорилик ҳаракатлари тугагандан сўнг, шу жумладан, айбдор ушлангач, кўрсатилган қаршилик, безорилик жиноятининг аломатларига хос ҳолат деб ҳисобланмаслиги ва бундай ҳолда қилмиш жиноятлар мажмуи билан квалификация қилиниши лозим.

Безорилик жиноятини квалификация қилишда ва жазо тайинлашда хатти-ҳаракатнинг ижтимоий хавфлилик даражаси инобатга олинади. Ушбу жиноят, асосан, жамоат жойларида содир қилинади ҳамда ўз характери ва даражасига кўра, оғир оқибатларга олиб келиши мумкин.

Ушбу жиноят бўйича жазо тайинлашда содир этилган қилмиш хусусиятларини ифодаловчи ҳолатлар, яъни айбдорнинг шахси, айбининг шакли ва даражаси, жиноят қилиш шароити ва сабаблари, шахснинг жиноятни содир қилгунча ва ундан кейинги хулқ-атвори жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар сифатида инобатга олинади.

Мухтасар қилиб айтганда, жамиятимиздаги мавжуд юриш-туриш қоидаларига амал қилиш инсоний фазилатдир. Зеро, каттани ҳурмат, кичикни иззат қилган киши ҳаётда обрў-эътиборга, ҳурмат-иззатга сазовор бўлади.

Музаффар ҒОФУРОВ,
жиноят ишлари бўйича Чортоқ туман судининг судьяси

G'aroyib olam

Биз ўқиш учун китобни қўлга олар эканмиз, аслида бу кашфиётнинг қачон яратилгани, қандай ғаройиб турлари бор эканига қизиқиб ҳам кўрмаймиз. Ҳолбуки, китоб — одамзот яратган улуғ кашфиётлардан бири. Аввало, ёзувнинг пайдо бўлиши китоб яратилишига асос бўлган. Китобни оммавий тарзда, яъни кўп нусхада чоп этиш борасида дастлаб ихтиро қилинган китоб босиш ускунаси XV асрдаёқ яратилган бўлса-да, узоқ ривожланиш пиллапоясини босиб ўтди.

Биз билган ва билмаган дунё



ЎХШАШИ ЙЎҚ КИТОБЛАР

Айтиш жоизки, китоблар фақат билим манбаигина бўлиб қолмай, балки уларнинг яратилиш йўли ҳам қизиқарли тусда кечган. Айтайлик, дунёдаги энг катта китоб "Денгиз қоидалари тўплами" ҳисобланиб, мазкур асар бугунги кунда Амстердам шаҳрида сақланади. Китобнинг баландлиги роппароса икки метр, қалинлиги эса, бир ярим метрни ташкил этади.

"Гигас кодекси" эса, дунёда энг тош босадиган китоб саналади, унинг оғирлиги 75 килограмм. Ушбу асар чехиялик роҳиб томонидан бир кунда ёзиб тугаллангани ривоят қилинади.

Дунёдаги энг қимматбаҳо китоб буюк италиялик рассом ва ихтирочи Леанардо да Винчининг "Лестер кодекси"дир. Унда олимнинг жаҳоншумул фикр ва трактатлари жамланган. Айни пайтда дунёнинг энг бой одами Билл Гейтс кутубхонасида сақланаётган бу асарнинг асл нусхаси нархи 30,8 миллион доллар миқдорида баҳоланмоқда.

Энг қадимий қўлёзма эса, Болгария ҳудудидаги қадимий ёдгорликларнинг биридан топилган, у бундан икки ярим минг йил илгари яратилганлиги аниқланди. Бу қўлёзма бор-йўғи олти варақдан иборат бўлиб, унинг саҳифалари тилла суви билан қопланган. Айни пайтда мазкур китоб Софиядаги миллий музейда сақланяпти.

Дунёдаги энг кичик ҳажмдаги китоб эса, рус ёзувчиси А.Чеховнинг "Хамелеон" асаридир. 2002 йилда Гиннеснинг "Рекордлар китоби"га киритилган мазкур асарнинг ўлчами бўйига ва энига 0,9 миллиметрни ташкил этади, холос.

Жаҳондаги энг бестселлер асарлар муаллифи ёзувчи Агата Кристи ҳисобланади. Унинг 78 та асари дунёнинг 44 та тилига таржима қилинган. Ёзувчининг сотилган китоблари сони эса, 2 миллиард донадан ошиб кетган.

Дунёдаги энг катта ҳажмли нашр Буюк Британия парламенти ҳужжатлари бўлиб, 1112 жилддан иборат. Мазкур ҳужжатлар нашрининг оғирлиги 330 килограмм, уни батафсил ўқиш учун инсон олти йил вақт сарфлаши керак экан.

Инсоният яратган энг катта луғат эса, Я. ва В.Гриммлар таҳрири остида яратилган немис тили луғатидир. Қизиқ томони шундаки, бу луғатни ёзиш муаллифлар томонидан XIX асрда бошланган. Аммо биринчи муаллифларнинг луғатни тугатишга умри етмаган. Шу боис XX асрда бошқа муаллифлар луғатни ниҳоясига етказишган. Бу луғат 35 жилд, 3519 саҳифадан иборат.

Китобхонлик тарихини кузатганда ҳам ғаройиб воқеаларга дуч келамиз. Масалан, кутубхонага китобнинг қарийб бир ярим асрдан кейин қайтарилгани воқеасини эшитмагандирсиз, албатта. Гап шундаки, яқинда АҚШнинг Цинциннати шаҳридаги университет кутубхонасига Ричард Додд деган киши бобокалони 1883 йилда ўқиш учун олган тиббиётга оид китобни қайтариб беради. Аслида кутубхонадан олинган китобни бундай узоқ муддат қайтармагани учун Доддга жарима солиниши лозим эди. Лекин эваранинг ақл билан иш кўргани ва бу жуда ноёб воқеа эканлиги эътиборга олиниб, кутубхона маъмурияти ундан жарима ундирмасликка қарор қилишади.

Венгриянинг Печ шаҳридаги музей архивида энг қадимий 120 мингта топишмоқни ўзида жамлаган китоб сақланади. Уни Ласло Мандони исм-шарифли элшунос олим 25 йил давомида тўплаган. IV асрда лотин тилида ёзилган топишмоқ китоб бундан ҳам қадимийдир.

Дунёнинг турли жойларида китоб ўғрилари учун оғир жазолар ҳам тайин қилинган. Масалан, Канаданинг Гатина шаҳрида агар бирор киши кутубхонадан китоб олиб, ўз вақтида қайтариб бермаса, катта миқдорда жарима тўлайди. Шундан сўнг ҳам китоб кутубхонага қайтарилмаса, айбдор икки ойга озодликдан маҳрум этилади.

Габрово шаҳридаги Сатира ва юмор уйида темирдан ишланган антиқа китоб сақланади. Унинг эни 18, бўйи 22 сантиметр бўлиб, оғирлиги 4 килограммга тенг. Китобни Вратцида истиқомат қилувчи Ангел Костов деган киши яратган. 22 саҳифадан иборат металл нашрда Габровонинг энг машҳур ҳазил ва мақоллари жой олган.

Японядаги нашриётлардан бири эса ғаройиб китобни чоп этишни бошлади. Бу китобнинг варақлари ширин хамирдан ясалган ва пиширилган бўлиб, унда саргузашт асарлар чоп этилади ва худди китобга ўхшаб муқоваланади. Бундай адабиётнинг биринчи туркуми минглаб нусхада чоп этилган ва ўша заҳоти сотиб тугатилган. Қизиғи шундаки, китобхонлар китобни ўқиб бўлгач, уни овқат ўрнида истеъмол қилиши мумкин.

Интернет материаллари асосида Азиз ОБИДОВ тайёрлади.

Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар Учтепа туманлараро судининг судьяси Файзиев Баҳром Маҳмудовичга Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан 2013 йил 23 майда берилган 2104-рақамли хизмат гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Куч—адолатда

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Олий суди

Бош муҳаррир:
Шодикул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.

ISSN 2181-6123

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Шоюнус ГАЗИЕВ
Светлана АРТИКОВА
Кўчқор ТОҒАЕВ
Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ
Замира ЭСОНОВА
Холмўмин ЁДГОРОВ
Ғайрат ХИДОЯТОВ
Азиз МИРЗАЕВ
Бобомурод РАЙИМОВ

Навбатчи муҳаррир:
Сардор ҲАМРОЕВ

Саҳифаловчи:
Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Манзилимиз: Тошкент шаҳри, А. Қодирий кўчаси, 1-уй
Тел.: (8 371) 239-02-55, 239-02-54
E-mail: kuch-adolatda@oliysud.uz
Нашр индекси: якка тартибда - 574, ташкилотлар учун - 575.

Буюртма: Г-922. Қоғоз бичими: А-2. Ҳажми: 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда. Адади: 8138.
1 2 3 4 Топшириш вақти: 20⁰⁰ Топширилди: 22⁰⁰